

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДА ОЧИҚ ЭЛЕКТРОН КУТУБХОНАЛАР ЯРАТИШ ВА ФОЙДАЛАНИШ: МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

Исломова Х. Э.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимини ахборотлар билан таъминлашда электрон кутубхоналарнинг роли бекиёс. Республикамизда жуда кўплаб академик лицей ва касб-хунар коллежлари муҳташам биноларга эга. Ёшларимизнинг таълим олишлари учун жуда яхши имкониятлар яратилган ва яратилмоқда. Маълумки, таълим муассасасининг ҳар бирида таълим олувчиларга ахборот ресурс марказлари (АРМ) хизмат кўрсатмоқда. Кўпчилик таълим муассасаларнинг ахборот ресурс марказлари етарли даражада компьютер ва бошқа техника воситалари билан таъминланган. Аммо, компьютерларга эга, локал ва глобал тармоққа уланган ҳамда Интернет хизматидан фойдаланаётган АРМ бугунги кун талабига мос фаолият олиб бормоқдами? Таълим муассасасининг АРМ фақат компьютерлар билан етарли даражада таъминланиши, зиёнет таълимий порталидан фойдаланиши ва ҳатто Интернет хизматининг йўлга қўйилиши, унинг бугунги кун талабига мос фаолият олиб бораётганлигини билдирмайди. Сабаби, бизга маълумки, Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот кутубхона фаолияти тўғрисида”ги қонунида АРМлар олдига бир қатор янги вазифалар қўйилган эди. Жумладан:

- ▲ электрон кутубхона ва электрон каталогни шакллантиради;
- ▲ ахборот-кутубхона ресурсларидан ўзаро фойдаланишни таъминлайди;
- ▲ бошқа ахборот-кутубхона муассасалари билан ҳамкорликни амалга оширади;
- ▲ йиғма электрон каталогни шакллантиришда иштирок этади.

Ахборот ресурс марказлари юқоридаги вазифаларни бажариши учун улар тегишли дастурий-техник воситалар билан таъминланиши ва кадрлар малакасини оширишга катта эътибор қаратиш лозим.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимига қарашли ахборот ресурс марказларини замон талабларига жавоб берадиган равишда ташкил қилиш учун қуйидаги муаммоларни ҳал қилиш талаб этилади.

АРМлар моддий техника базасини мустаҳкамлаш;

Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш;

АРМларни тегишли дастурий-техника воситалари билан таъминлаш;

Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимига қарашли АРМларини оптик толали кабеллар билан бирлаштирилган корпоратив тармоғини яратиш;

Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими ўқув жараёнига тегишли ўқув адабиётларини электрон шаклга ўтказиш;


Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизиминига қарашли АРМларнинг корпоратив электрон кутубхонасини яратиш.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимига қарашли ахборот ресурс марказларини моддий техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида бир қатор чора тадбирлар белгиланиб улар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимига қарашли таълим муассасалари қошидаги АРМлар локал тармоққа бирлаштирилган компьютерлар билан таъминланмоқда, зиёнет тармоғи орқали электрон ресурслардан фойдаланиш йўлга қўйилган.


АРМлар фондини комплектлаш муаммосини ҳал қилишда ҳам жиддий ёндошувлар талаб қилинмоқда. АРМ фондини бадиий адабиётлар билан тўлдириш, маълумотнома нашрлари ва энциклопедиялар ҳамда даврий нашрларга обуна учун ажратиладиган маблағларни кўпайтириш электрон шаклдаги илмий-таълимий ресурсларга тармоқ орқали кириш имкониятини таъминлаш лозим.

АРМ ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш муаммоси энг долзарб муаммолардан бўлиб, бу муаммони ҳал қилмасдан туриб АРМлар олдига юқорида кўйилган вазифаларни бажариш мумкин эмас.

Малака оширишга келган АРМ раҳбарлари орасида анкета-сўровнома тақатилиб олинган натижалар куйидаги графикларда келтирилди. АРМ раҳбарларининг маълумоти тўғрисида берилган саволга олинган жавоблар малака оширишга келган АРМ раҳбарларидан 31 нафарининг 23% кутубхоначилик иши бўйича олий маълумотга эга, 42% тингловчи кутубхоначилик иши бўйича ўрта махсус, 19% тингловчи ўрта махсус маълумотга эга эканлиги кўриниб турибди (1-график).



1-график



2-график

Тингловчиларнинг компьютер саводхонлиги бўйича берилган саволларга олинган жавоблар 2-графикда келтирилган. Графикдан кўринадики, тингловчиларнинг 42% компьютерлар билан ишлашни билади. АРМ раҳбарларининг 50% дан ортигининг компьютер технологияларини билмаслиги ўта салбий ҳолатдир. Тингловчиларнинг автоматлаштирилган тизим билан ишлаш малакаси бўйича берилган саволга олинган жавоблар 3-графикда келтирилган. Бундан кўринадики, тингловчиларнинг аксарият қисми яъни 84% автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизими билан ишлашни малака ошириш курсига келиб ўрганган.

АРМ раҳбарларининг автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизимларини АРМда жорий қилиш бўйича билим даражаси, электрон каталог, электрон кутубхона яратиш ва фойдаланиш бўйича малакасининг қандай эканлигини юқоридаги графиклар кўрсатиб турибди.

Юқорида келтирилган маълумотлар АРМ раҳбарлари малакасини оширишга мўлжалланган ўқув режасини тузиш ва ўқув жараёнини ташкил қилишда ҳисобга олиш лозим.

АРМ раҳбарлари малакасини оширишда юзага келган муаммолар:

1. АРМ раҳбарларининг компьютерлар билан ишлаш малакаси талаб даражасида эмас.
2. АРМ раҳбарларининг кўпчилиги махсус кутубхоначилик маълумотига эга эмаслиги (35%) библиографик тавсиф, электрон каталог, йиғма электрон каталог ва электрон кутубхона яратиш тўғрисидаги тушунчаларни эгаллашда қийналмоқдалар.

3. Тингловчиларда компьютер саводхондиги ва кутубхоначилик иши бўйича махсус маълумотнинг йўқлиги уларни АРМда автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимларини жорий қилишга тўсқинлик қилмоқда. Бу ҳолат тингловчиларни амалий ва назарий машғулотларни ўзлаштиришларида ҳам аниқ сезилмоқда.

Муаммоларни ҳал қилиш йўллари:

1. АРМ раҳбарларининг барчаси Малака ошириш курсларига келмасдан олдин ўзлари ишлаётган таълим муассасида “Компьютер саводхонлиги” бўйича махсус курсда ўқишлари ва тегишли билим ва малакага эга бўлишлари керак.

2. Махсус кутубхоначилик маълумотига эга бўлмаган шахсларни АРМ раҳбарлиги лавозимига тайинламаслик керак. Махсус кутубхоначилик маълумотига эга бўлмаган шахслар АРМ раҳбарлиги лавозимига тайинланиш зарур бўлган шароитда албатта уларни дастлаб малака ошириш курсида ўқитиш сўнгра, тегишли лавозимга тайинлаш керак.

3. Малака оширишга келган АРМ раҳбарлари учун “Библиография асослари”, “Ахборот-кутубхона фаолияти” мавзуларида қўшимча дарслар ташкил қилиниши лозим (танлов фанлари доирасида).

4. Тингловчилар учун АРМда автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизимини жорий қилиш бўйича махсус курс ташкил қилиш зарур.

5. Автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизимларини жорий қилишга кўмаклашадиган услубий қўлланмалар, мултимедиали ўқув қўлланмалари, электрон каталоглаштиришни ўргатувчи “тренажерлар” яратилиши ва ўқув жараёнига тадбиқ қилиниши керак.

6. АРМ раҳбарлари малакасини оширишда масофавий таълим тизимини жорий этиш лозим.

7. АРМ раҳбарлари ва ходимлари учун ахборот кутубхона фаолиятига оид ресурсларнинг электрон кутубхонасини яратиш лозим.

АРМларни тегишли дастурий-техника воситалари билан таъминлаш электрон ресурслардан фойдаланишда муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизимини (ААКТ) АРМда жорий қилмасдан туриб электрон кутубхона яратиш амалда мумкин эмас. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимига қарашли ахборот ресурс марказларини ААКТ билан таъминлаш мақсадида “Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг электрон кутубхоналар ахборот тармоғи” гранти доирасида хизирги кунга қадар 300 дан ортиқ АРМлар автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизими АРМАТ-U билан таъминланди. ЎМКХТТКМО ва УҚТ институтида ташкил қилинган АРМ раҳбарларини малакасини ошириш курсида автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизими билан ишлашга ўқитиш йўлга қўйилди ва курсни мувофақиятли тугатган АРМ раҳбарларига АРМАТ-U дастури бепул берилди.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимига қарашли АРМларини оптик толали кабеллар билан бирлаштирилган корпоратив тармоғини яратиш. Тизимга тегишли 80 дан ортиқ таълим муассасалари оптик толали кабеллар ёрдамида корпоратив тармоққа бирлаштирилган. Хозирги кунда 200 га яқин АРМлар ИНТЕРНЕТ тармоғи орқали бирлаштирилиб ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига қарашли АРМларнинг йиғма электрон каталоги яратилган. Мазкур йиғма электрон каталог (ЙЭК) <http://armat.uz> манзилига жойлаштирилган. ЙЭК таркибида 50000 дан ортиқ библиографик ёзув мавжуд бўлиб, уларнинг 1500 дан ортиғига тўлиқ матнлар боғланган.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ўқув жараёнига тегишли ўқув адабиётларини электрон шаклга ўтказишни марказлаштирилган ҳолда ташкил қилиш биринчидан электрон шаклга ўтказилаётган ўқув адабиётларини такрор сканерлаш ва каталоглаштиришнинг олдини олади, иккинчидан харажатлар кескин камаяди, сифат ошади.

Республикамизда бу борада маълум бир тажриба тўпланган. ОўЮ АРМларига тегишли ўқув адабиётлари 2012-2013-2014 йилларда марказлаштирилган ҳолда электрон шаклга ўтказилди ва каталоглаштирилди. Ўқув адабиётларини электрон шаклга ўтказиш жараёнида муаллифлик ҳуқуқи масалалари ҳам эътиборда бўлиши лозим.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ишлар бажарилгач, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини қарашли АРМларнинг очик электрон кутубхонасини яратишга имконият яратилади.

Юқоридаги фикрларга асосланиб қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

△ Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини қарашли АРМлар моддий техника базасини мустаҳкамлаш ишини янада кучайтириш керак. Ўтказилган сўровлар шуни кўрсатмоқдаки ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини қарашли АРМларнинг баъзи бирлари техника воситалари билан таъминланган;

△ Ахборот-ресурс маркази ходимларини малакасини ошириш очик электрон кутубхоналар яратишда энг муҳим муаммолардан ҳисобланади. Уларни ўз вақтида ҳал қилиш электрон кутубхоналар яратиш ва фойдаланишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

△ АРМларни автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизими билан таъминлаш жараёнини тезлаштириш керак. Бунинг учун АРМ ходимлари малакасини ошириш курсларидан самарали фойдаланган ҳолда шартнома асосида махсус курслар ташкил қилиш зарур.

△ Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимига керакли бўлган ўқув адабиётларини электрон шаклга ўтказиш ва каталоглаштириш марказлаштирилган ҳолда ташкил қилиниши керак.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов У. Ф., Раҳматуллаев М. А., Исломова Ҳ. Э. Корпоратив электрон кутубхона: яратиш технологияси маълумотлар базасини шакллантириш / У. Ф. Каримов, М. А. Раҳматуллаев, Ҳ. Э. Исломова; масул муҳаррир А. О. Умаров .- Тошкент.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти.- 2010.- 78 б.

2. Каримов У. Ф., Раҳматуллаев М. А. Электрон кутубхона: яратиш технологияси ва ресурсларидан фойдаланиш / У. Ф. Каримов, М. А. Раҳматуллаев; масул муҳаррир А. О. Умаров .- Тошкент.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти.- 2010.- 136 б.

3. Каримов У. Ф., Раҳматуллаев М. А., Муҳаммадиев А. Ш., Атажанов Ж., Савочкин М. П. Корпоратив-ахборот-ресурс марказларининг автоматлаштирилган тизими. Услубий қўлланма. Тошкент Давлат юридик институти нашриёти. Тошкент.: 2009.- 79 б.

4. Раҳматуллаев М. А., Каримов У., Атажанов Ж., Исломова Ҳ. Э. Ахборот кутубхона муассасаларини автоматлаштириш. Услубий қўлланма. Тошкент.-ELINE-PRESS/-2014/- 229